

ХОЛИС ДЕВОНИНГ НОДИР КЎЛЁЗМАСИ*Холбобоева Нилуфар, Тошкент давлат шарқшунослик университети стажёр-ўқитувчиси***A RARE MANUSCRIPT OF DEVON OF KHOLIS***Kholbobaeva Nilufar, Tashkent State University of Oriental Studies, Trainee-teacher***РЕДКАЯ РУКОПИСЬ ДЕВОНА ХОЛИСА***Холбобоева Нилуфар, преподаватель-стажер Ташкентского государственного университета востоковедения*

<https://orcid.org/0009-0006-0136-7906>

e-mail:

xolbobaeva90@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақолада XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида яшаб ижод қилган Холис ноёб девонларидан бири тавсифи берилган. Девон таркиби ҳақида маълумот берилган.

Калит сўз: девон, қўлёзма, газал, мусаллас, мухаммас.

Abstract: This article describes one of Kholis's rare divans, who lived and created in the late 19th and early 20th centuries. Information about the Devonian composition is given.

Keywords: devon, manuscript, ghazal, musallas, mukhammas.

Аннотация: В данной статье описывается один из уникальных девонов Холиса, созданный им в конце XIX – начале XX веков. Приведены сведения о составе девона.

Ключевые слова: девон, рукопись, газель, мусаллас, мухаммас.

КИРИШ. Шарқда девон тузиш шоирнинг етуклик белгисини кўрсатган. Баъзи девонлар дебоча билан билан бошланган, ғазаллар, кейин турли жанрлардаги шеърлар келтирилган.

Хоразм адабий муҳитида ижод қилган шоирлар кўп. Ана шундай ижоди илмий тадқиқ этилмаган шоирлардан бири Яъқубхўжа бин Иброҳимхўжа Холисдир.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ В МЕТОД. Ушбу мақолада ЎзРФА Шарқшунослик институти 11 томлик “Шарқшунослик институти қўлёзмалари тўплами” ҳамда Ҳамид Сулаймонов номидаги ва асосий фондда сақланаётган қўлёзмалардан фойдаланилди. Хоразм адабий муҳитининг йирик намояндаси Холис серқирра ижодкор хисобланади. Феруз даврининг тазкираларида ҳам у ҳақида хушфикрлар битилган.

1035/II инвентарь рақамли دیوان خالص - “Девони Холис” – ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Ҳамид Сулаймон фондида сақланаётган ушбу қўлёзмада Феруз, Холис, Рожий ва Комил шеърларига тартиб берилган.

Девон оч яшил картон билан муқоваланган, муқовада ҳеч қандай муҳр йўқ. Ҳеч қандай нақш билан безатилмаган. Қўлёзма таркибига кирган шеърлар Кўқон шилдирик қоғозига, қора сиёҳда чиройли настаълиқ хатида, икки устун шаклида, ҳар саҳифада 14-15 сатрда шеърлар ёзилган. Котиб шеърларни рақамлар асосида бермаган. Яна шуни айтиш керакки, девон саҳифаларида “пойгир” берилган. Қўлёзманинг 4^а, 4^б, 5^а, 5^б саҳифалари йиртилган, лекин матнга зарар бермаган. Қўлёзманинг 7^б, 12^б, 19^б, 65^а, 78^а саҳифаларидаги баъзи сўзлар бўялган. Қўлёзманинг 73^б, 74^а саҳифаси йиртилган. Қўлёзманинг 23^а ва 23^б, 26^б ва 27^а саҳифаси бўш қолдирилган. Қўлёзманинг 31^а ғазал жанри сарлавҳаланган. 38^б саҳифада муножот деб қизил сиёҳда сарлавҳаланган. 39^б саҳифада Муниснинг мухаммаслари қизил сиёҳда кўчирилган. Қўлёзманинг ўлчови 25,5x15. Девон 257 варақ, 514-бетдан иборат. Девон саҳифаларининг изчиллигини кўрсатиш мақсадида пойгир берилади. Пойгир: “б” саҳифанинг биринчи сўзи “а” саҳифанинг пастки қисмида қия шаклда берилади.

МУҲОКАМА. Ҳар бир шоирнинг девони учун алоҳида дебоча берилган.

Қўлэзма “*Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм*”дан бошланиб, дебоча берилган. Девоннинг 4^б - 46^а саҳифасигача Феруз-нинг девонини жамлаган. Шоирнинг девони тугаши билан саҳифа қолдирилган. Манбанинг бошида бир саҳифа ва охирида икки бўш саҳифа бор.

4^а саҳифасида дебоча ёзилган. Ушбу китобни *تاريخ هجرى بر مينك ايكى يوز توقسان يتيذا خيوقدا* چهارشنبه كوني تاپتى طبعيغه تتديم بىمى چاكر فروزشاه
ابراهيم.

(Торих ҳижрий бир минг ики юз тўқсон йилида Хивада... чохаршанба куни топти таъбиға татмим бами Чокар, Ферузшоҳ Иброҳим). 4^б саҳифадан 26^а саҳифагача Ферузнинг шеърлари берилган. 24^а дан 26^а гача яна шеър ёзилган. 38^б – 39^а муножот, 39^б дан 43^б гача мухаммас, 44^а – 45^б гача мусаддас, 46^а рубоий ёзилган. 46^б – 47^а бўш саҳифа қолдирилган.

47^а-бетдан то 87^б-бетгача Холиснинг шеърлари кўчирилган. Дебоча сўнгида:

تاريخ هجرى بر مينك ايكى يوز توقسان سكيذا
ربيعال اول ايپنينك يكرمه لانچى كونيدا افتتاحى اختتامسر
حديغه يتوشدى. والله اعلم بالصواب

(Торих ҳижрий бир минг икки юз тўқсон сакизда робийул аввал ойининг йигирмаланчи кунда ифтитоҳ¹ ихтитом² сар хадиға еткурди. Валлоҳу аълам бил савоб).

Холис девонининг кириш қисмидаги дебочада ҳижрий 1298 да, милодийда 1881 йил декабр ойининг 5 санаси бошлаш ва тугаллашга еткурди.

Қўлэзманинг колофон қисмида эса “Ҳижрий 1318, милодий 1900 йили котиб домулло Муҳаммад Шариф Маҳмудниёз Хумоюн фармони билан шаъбон ойи 24 (1 октябрь) оқшомида” кўчирилгани ҳақида маълумот берилади. Девон колофонида қуйидаги фикрлар келтирилган:

اوشبو كتاب ناتمام قالغاني اوجوون ملك الامان ظل
اسبجان باعث اللامن والامان اعني سيد محمد رحيم بهادرخان خلدالد
ملكه و احسانه كيم دامالله محمد شريف بن محمودنياز يازماققيمغه
سنه ۱۳۱۸ ينجي يلي فرمان همايون عاليدرمي وجسيدن ماه شعبان
۲۴ نجى اقشامى اتمامغه تيگوردوم تمت.

¹ Ифтитоҳ - арабча, бошлаш, киришиш, очиш.

² Ихтитом - арабча, тамом бўлиш, тугаллаш.

³ www.wikipedia.

(Ушбу китоб нотаом қилғони учун малик-ул маннон зилли ас-субҳона боис алламон ва лломон аъни сайид муҳаммадраҳим Баҳодирхон халладалло-ху мулкаҳу эҳсонаким домулло Муҳаммад Шариф бин Маҳмудниёз ёзмоқимға сана 1318 йили фармон Хумоюн олийлари важҳидан моҳ шаъбон 24 нчи оқшоми этмомға еткурдум таммат).

Рақамларга қарасак, ушбу асар 1881 йил бошланиб, номаълум сабабларга кўра 1900 йилда яқунланган.

Холис ижоди 47^б – 48^а дебоча билан бошланган. 48^а – 57^б саҳифанинг ярмигача ғазаллар берилган. 57^б саҳифанинг охиридан 58^а саҳифасида мусаддас, 58^б– 78^б мухаммас ёзилган. 79^а – 87^б ғазаллари ёзилган. Саҳҳофлар томонидан Холис шеърларини саҳифалаётганда шоирнинг қолган шеърларининг саҳифалари тушиб қолган.

Холиснинг девони *Бисмиллаҳир раҳмонир раҳийм* деб қуйидаги ғазал билан бошланади:

Husn avjī üzrā čiqdij ey mahliqā mubārak,
Mundaq arujing olsun sobh-u sabā mubārak.

НАТИЖАЛАР. Девонга Холис-нинг 34 та ғазали, 1 та мусаддас (7 банд), 1 та тақрирли мухаммаси, 30 та мухаммаси берилган. Жами: 65 та шеърлар киритилган. Манба матни чиройли настаълиқ хатида, қора сиёҳда кўчирилган бўлиб, фақатгина мухаммас жанри бошланишида қизил сиёҳда сарлавҳаси берилган. Холис шеърлари тугамаганлигини кўрсатиб 87^б саҳифанинг сўнгида пойгир берилган.

Мусаллас фақат ўзбек шеърлятида эмас, балки кўшни адабиётлар тарихида ҳам кам учрайди. У нафақат аруз вазнида, бармоқда ҳам ёзилган³. Холиснинг мусалласлари: “*Кўрунг*” *радифли 7 байтли мусалласи кўчирилган* (“*Ул қуёш тоҳир айтиб меҳр айла рухсор кўрунг*”, “*Собҳ дам ул санам сиймбар*⁴ *нўшин*⁵ *лаб*”, “*Ютар эрдим лаб ҳижронида доим хуноб*”, “*Саҳан гулшан чу ул шўх келиб қилди макон*”, “*Оғзидин дур сочибон гоҳ такаллум бирла*”, “*Тутубон маснад ҳусн узра чу ул шўх ором*”, “*Холис оса чу онинг васли манга берди даст*”)

⁴ Форсча сўз: оқ бадан, оппоқ (айнан кумуш бадан).

⁵ Форсча сўз: ширин, тотли, мазали, ёқимли. Нўшин лаб-тотли лаб, сўзи ширин.

Шоир ижодида кўп мурожаат қилган жанрлардан бири бу мухаммасдир. Шоир турли хил мавзуда мухаммаслар ёзган. Мухаммас жанри XIX асрнинг иккинчи ярмида ўзбек адабиётида, хусусан Хоразмда ўз тараққиётининг юқори босқичига кўтарилди. Мазкур шеърларда замонадан нолиш, турмушдаги иллатлар, дунёвий севги, инсонга яхшилик қилиш каби муҳим фазилатлар тараннум этилади⁶.

Маълумки, ўзбек адабиёти имкониятларини юксакка кўтарган Навоий ижодига эргашиш ғазал бўстониға қадам қўйган ҳар бир шоир орзуси. Сўнг Огаҳий ғазалининг умумий мазмунида ишқнинг қаттиқ синовлари, ҳаёт фалсафаси ҳақида сўз боради. Огаҳий ижодидан илҳомланиб, унга ҳам Холис тахмис ёзган. Навоий ва Огаҳий, Фузулий, ва Феруз ғазаларига тахмислар битиб, бадий етук шеърлар ёзди.

Холиснинг ижодида тақрирли мухаммас ҳам учрайди. *“Не дилбардур ул ёр негу ҳисол”*. **Мухаммаслари қуйидагилар:** *“Муҳаррирлар хати маҳбублиг дилдора ёзмишлар”*, *“Манзурум ўлғоч бир нафас васл ичра то қошу кўзунг”*, *“Хаёл онсон шартти бирла маккорим бўлмангиз”*, *“Шўхлардин тутма кўз хабар дард меҳнат эй рафиқ”*, *“Олғоли кўнглумни шўх махлиқолардин бири”*, *“Жонфизо сўзларга гўё айлабон дилдор тил”*, *“Вафо ва меҳр зоҳир бу дам ул ором жон айлаб”*, *“Фалак золики макридин эмастур дейман инсу жон”*, *“Ниқоб ол юздин, эй маҳбуб, муштоқ озорингман”*, *“Боргаҳинг тоқи афлок ила хамир бўлди тут”*, *“То бано топти бу тўқуз гунбаз найли равоқ”*, *“Васли собҳ-у шом ҳижрон зулматиға орзимас”*, *“Лаби сурат била малак фано сори ўруб ақдим”*⁷, *“Жонима ўт солди-ю ҳар шўх қуёш йигит”*, *“Ваҳки ҳолимға раҳм ул шўх хубон этмади”*, *“Диллар сам”*⁸ *ситамни шоҳ хубондин тамошо қил”*, *“Даҳр оро ўзни сулаймондек магарам бўлди тут”*, *“Эй кўнгул тарк айлабон улфат бани одам била”*, *“То адам”*⁹ *дин жаҳон гулшаниға қўйдинг гом”*¹⁰, *“Бўлуб сенсиз манга ишрат ҳаром оҳиста-оҳиста”*, *“Қилғони кўнглум муҳаббат нақди истеъдодлиг”*, *“Оҳ ким бордур жаҳонда ман каби нолом кам”*, *“Соз*

суҳбат нола орзимас”, *“Бир боқуб ул моҳа сўз дера мадорим қолмади”*, *“Жонима ул ой фирқа”*¹¹ *и жаврин чекорни ўргатиб”*, *“Ҳажрингиз ичра эй чаман ...”*, *“Кўп бўлма гамкин эй кўнгул, бу кеча гамхўринг келур”*, *“Бўл хуррам эй дил, ул ...шабгард”*¹² *айёринг келур”*, *“Кел хаёлингни кўнгул мулкиға султон айларим”*, *“Даҳр ке бизам айшининг йўқ ҳадди канора”*¹³ *си”*.

ХУЛОСА. Мумтоз адабиётимиз тарихида ғазал жанрида ижод қилиш етакчи ўринни эгаллаган. Холис девони таркибида жанрлар ранг-баранглиги билан бирга мавзулар хилма-хиллиги кузатилади. Холиснинг шоирлик маҳоратига назар ташласак, унда туркий билан бир қаторда арабий ва форсий сўзлардан ҳам кенг фойдаланилганлигини кўришимиз мумкин. Унинг девонидаги ғазаллари ҳажм жиҳатдан анча катта. Шоир ижодида беш ва етти байтли ғазаллар кам учрайди. Ғазалларнинг кўпчилиги ўн мисрадан бошланади ва ундан юқори мисралардан иборат. Унинг ғазаллари: *“Ҳасрат алам қачон ким ихтиёр оти ишкор”*, *“Санга ики жаҳонда ҳасрат ҳақ лутфи ёр ўлғай”*, *“Бугун сиздин тилармен ойшафарзона айдона”*, *“Бир нафар кўнглумда йўқ ором эй жон сенсизин”*, *“Қадди сарвини айлаб жилва гар дилдор келгайму”*, *“Айтиб лутфунгдин онсон кўнглиға файзу сафо”*, *“Бошдин оёқ либосин қилмиш нигор сиза”*, *“Айла ром ҳар тун чекиб фарёд афгонимни ёд”*, *“Ўтти ҳаддин юзунг узра, интизорим кел”*. Шоир ижодида қасидаға ҳам мурожаат қилинган. Унинг қуйидаги қасидаси берилган: *“Манинг бирла бўлунг эй давлату-иқбол ҳамсуҳбат”*. Девон тугалланмаган. Кўлёманинг 88^a саҳифаси бўш қолдирилган.

XIX-XX асрда Хоразм адабий давраларида шаклланган Холиснинг бадий маҳоратини унинг ўзбек ва форс тилларида турли жанрларда яратган асарларини ўрганиш кўрсатади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Девони Холис. ЎзР ФА кўлёмаси, инв. №1035.

Интернет сайтлари:

2. URL: <https://Wikipedia.uz>

⁶ Лаффасий. Хива шоирлари ва адабиётчиларнинг таржимаи ҳоли. ЎзРФА Шарқшунослик институти фонди. Кўлёмма. Сақланиш рақами 9494, 12561, 11499.Б.

⁷ Арабча сўз: энг илгари.

⁸ Арабча сўз: заҳар.

⁹ Арабча сўз: йўқ, йўқлик.

¹⁰ Форсча сўз: қадам, одим.

¹¹ Арабча сўз: тўда, мазаб.

¹² Форсча сўз: тунги қоровул.

¹³ Форсча сўз: “канора” чет, чегара, қирғоқ.